



Бухоро сипохи Самаркандга кирмасдан азимат жilовини Бухоро томон бурдилар. Эртаси самаркандликлар ўруслар билан сулх туздилар. Ўруслар амир Темур пойтахти саналмиш Самарканд шаҳрини тасарруф килдилар. Жавзо ойининг ўртасигача улар Ургут шаҳри ва Челак калъасини ҳам истило килдилар. Бир неча аскарларини Кауфман бир жинирол етакчилигида Каттакўргон тасарруфи учун юборди. Учинчи кунини ўруслар Самарканддан 8 фарсах келадиган Каттакўргонга етиб келдилар. Шу ернинг хокими Яъқуббек шаҳарни ташлаб кочди. Ўруслар Каттакўргонни жангсиз эгаллаб олдилар. Кауфман ҳам шу захоти Каттакўргонга етиб келди. (У) Самаркандга кайтиб, бир неча гуруҳ аскарни икки фарсах келадиган Коратепа калъасига юборди. Шаҳрисабз сардори бир неча минг пиёда ва суворий кўшини билан келиб, ўруслар билан жанг килиб, кайтиб кетди. Ўруслар Самаркандга кайтдилар.

Шу жангда шаҳрисабзликлардан кўп киши талафот кўрди. Самаркандлик Мирзо сўзига караганда 50 киши халок бўлган экан. Куёш жавзо ойининг охирида эдики, Бухоро сипохи Зирабулок мавзеида жамъ бўлуб, Каттакўргон калъасини забт килишга жазм этдилар. Бу хабар Кауфманга етиб борди. (У) Самарканддан бир неча гуруҳ сара аскарлари ва тўпу тўфанлари билан Бухоро сипохига карши курашмоқ учун Каттакўргонга, ундан Зирабулокка келди. Бухороликлар Зирабулок мавзеида Бухоро иулига кўшилиб кетган кир тепасида сафланган эдилар. Ўрус аскарларини Кауфман икки қисмга бўлиб, ўнг ва чапдан ҳамла килишди. Бухороликлар жанг кўрган аскарларнинг тупу тўфанлари оташига тоб бермасдан орқага кайтдилар.

Шу мухорабада хозир бўлган кишиларнинг айтишича, бухоролик пиёда ва суворийлардан минг кишидан кўпроги нобуд бўлиб, ўрусларнинг талафоти икки юз кишигинага етар экан, холос. Кауфман Зирабулокда бухороликлар билан урушаётган вақтда минг, хитой-кипчок ва Шаҳрисабз кенасларининг кабила сардорлари иттифок бўлиб, кўп сипох ила Самаркандга келиб, бу шаҳарни фатх этмокчи бўлдилар. (Улар) Саройнинг атрофида ички калъани тўрт томондан босиб олиб, унинг икки дарвозаси Самарканд ва Бухоро дарвозасига хужум кйлиб, мардлик билан саъйи балиг курсатдилар. Ўрусларнинг

ахволи жуда танг бўлди. Кабилалар иттифоки агар яна икки-уч кун иттифок ва ижтимоъ ила мухосарага сабот кўрсатганда эди, голиб келиб, Самаркандни ўруслардан озод қилган бўлардилар. Аммо мовароуннахрлик бадбахтларнинг шунча саъйу ҳаракатлари ва меҳнату машаққатлари натижасиз анжом топди. Бухоро сипоҳининг Зирабулоқда мағлуб бўлганларини эшитиб, биринчи бўлб Шахрисабз кенагаслари, кейин эса бошқа тоифалар сабот ва жалодат қадамларини тортиб олиб, мухосарадан юз ўгуриб, Хар томонга паришон бўлиб, парокандаликка берилдилар. Шунинг учун айтганларким, байт (мазмун):

Пароканда лашкардан ҳеч фойда йўқ,

Уларнинг юз мингидан икки юз жанговар йигит яхшироқ.

Қолган лашкар беш кун мухораба ва мухосара ихтиёр этиб, Кауфман Самарканддаги ўруслар мададига келаётир деган хабар маълум бўлгандан кейингина камалини тўхтатиб, ўз ватанларига қайтдилар. Воқеаларга шохид бўлган самаркандликларнинг сўзларига қараганда, ўзбекларнинг бирлашган қўшинлари кўп жасорат кўрсатиб, ўруслардан 270 кишини ўлдирган эканлар.

Милодий 1867 йили саратон ойининг ўрталарида зафар кўрмаган амир Музаффар ва Туркистон сипоҳсолари Кауфман ўрталарида сулҳ тузилди. Бухоро амири Жиззах, Самарканд, Каттакўргон ва уларга тааллуқли бўлган ерларни ҳамда ўруслар истило қилган мавзеларни Русияга берди. Бунга кўшимча катта маблағ товон тўлашни ўз бўйнига олди. Бухоро мамлакатада уларнинг сиёсий идораси таъсис топди. Шу вақтда, қуёш далв буржининг охирига етган эди. Бухоро амирининг сулҳидан 6 ой илгари Фаргона хони Саид Муҳаммад Худоёрхон ва Туркистон сипоҳсолари Кауфман ўрталарида ҳам сулҳ битими бўлган эди ва адовату хусумат ўрнини амният эгаллади, мамлакат рифоҳияти эса тижоратга айланди. Қон тўкилиши ва мулку маданият харобалигига сабаб бўлган жангу жадаллар йўқ бўлди. Шу воқеалар юз бераётган бир пайтда Қарши волийси Абдулмалик тўра Бухоро хони амир Музаффарнинг катта ўгли Шахрисабз кенагасларининг улуглари ва Содик тўра бинни Кенасари тўра Аблай Султон юртдошлари ила Бухоро амирлиги ва салтанатига даъво қилди. У ўз отаси амир Музаффарга қарши ҳамлага ўтиб, жанговар сипоҳни йигди. Бухородан амир Музаффар сипоҳ ва сарбозлар ила ўглининг хужумини дафъ этмок учун Қарши томон отланди. Қарши чўлларида Абдулмалик билан жанг бўлди ва Абдулмалик тўранинг сипоҳи пароканда бўлди. Абдулмалик Шахрисабзга қочди. Ўз ўглини таъқиб қилиб, отаси Шахрисабз қалъаларидан бўлган Чирокчини қуршаб олди. Шахрисабз волийсидан ўз ўглини талаб қилди, Бу иш охирига етмасдан туриб, бошқа жойда кўзголон кўтарилди.

Абдулмалик тўра фармонига биноан Нурота ва Карманани Содик тўра олгани хабари амир Музаффар кулогига етди. Бу фитна ва ихтилол сабабига кўра (амир) Чирокчидан оркага кайтиб, бу дахшатли ходисаларни бартараф килмок учун Самарканд волийси жинирол (Абрамов Ш. В.)дан ёрдам сўради. Ўрусия учун Бухоро амирини кўллаш хайрли иш деб, жинирол амир илтимосини қабул айлаб, бир неча гуруҳ аскар билан Жом сарҳадига келди. Шахрисабз волийси ўрусларнинг келишларини эшитиб. «Ўрусия Шахрисабзни ҳам олар экан» деб Чирокчидан Шахрисабзга кайтди. Абдулмалик тўра ҳам Каршига келди. Бухоро амири бу ахволдан фойдаланиб, Содик тўра фитнасини бостиришга ҳаракат килди, унга шикаст етказиб, фасод ва шўру гавголарга озгина бўлса-да таскин берди. Амир Бухорога кайтди.

Каршида турган Абдулмалик тўра пароканда бўлган сипохни йигиб яна кўзголон кўтариб, ихтилофни бошлади. Бухоро амири иккинчи марта Самарканд жиниролидан ёрдам сўради. Самарканд жинироли Жомдан бир неча гуруҳ кўшин ва бир неча тўп ила Каршига борди. Куёш акрабнинг 20—21-даражасида эди, ўруслар каршида Абдулмалик билан тўкнашиб, унга зарба бердилар. Абдулмалик тўра Каршидан кочди ва унинг сипохи мағлуб бўлди. Акраб ойининг охирларида ўрус жинироли Каршини амир маъмурларига топшириб, Самаркандга кайтди. Шу ходисалардан кейин Шархрисабз хокими, кенагас тоифасининг раислари, Киштут ва Фароб фукаросини ўрусларга карши кайрадилар. Киштут, Фароб ва Моғиён раислари ўрусларга карши чикдилар. Уларга ёрдам деб Хайдар хожа деган кишини бир неча шахрисабзлик гуруҳлар билан юбордилар. Хайдар хожа Самарканд чегарасида юрган ўрус суворийларига ҳамла қилиб, улардан бир канчасини ўлдириб, баъзиларини ярадор килди. Бундан Самарканд волийси жиниролнинг жаҳли чиқиб, Туркистон сипохсолари Кауфманга бу ахволни маълум килди. Туркистон сипохсолари буйруқ бердиким, Шахрисабз юришини махфий равишда режалаштириб, вилоятни макр билан ишғол қилиб, Бухоро амирига берсин. Самарканд жинироли сафар анжомларини мухайё айлаб, амир Музаффарни бу ишидан бохабар этиб, ўз аскарларини икки дастага ажратди. Сунбула ойининг еттисида биринчи фавж Жомга йўл олди. Фавжи соний икки кундан кейин Коратепа доводидан ўтиб, Китоб калъасининг олдида биринчи қисм билан бирлашди. Улар калъага яқин бўлган Ўрус қишлоқ деган жойга тушдилар. Сунбуланинг 13-кунида ўруслар аскар ва тўпларини хар нуктага жойлаштириб, калъани олиш билан машғул бўлдилар. Шахар ва калъага алоҳида-алоҳида ҳамла қилиб, тўпга тутишни бошладилар. Кечаси эса ўрусларнинг бир неча гуруҳи калъага юриш қилиб, хандакка яқин келдилар. Калъадагилар бундан огоҳ бўлиб, ўрусларни ўкка тутиб, мудофаага ўтдилар. Ўрусларнинг яна бир гуруҳи посбонсиз қолгон жойдан деворга нарвонлар қўйиб, калъага кирдилар. Қолганлари эса деворнинг қулаган жойларидан шаҳарга бостириб кирдилар. Ўрус суворийлари ҳам Работак дарвозасини 4йикитиб, тўрт томондан шаҳарга кирдилар. Калъа аҳолиси узларини гам-андух денгизида қўриб, турли йўллар билан уруша-уруша чекиндилар. Ўруслар йўлларида учраган уй-жойларни, кишиларнинг тўплаб қўйган ем-хашакларини, захира қилиб қўйган ўтунларини ёндириб, унинг ёруглигида олдинга қараб интилдилар. Шунда қилиб, тонггача ўруслар шаҳарни буткул забт этиб, ўз тасарруфига олдилар. Шу урушда шахрисабзликлардан 500 дан кўпроқ киши шахид бўлиб, кўп одам захмдор бўлди. Жангда қатнашган мўътабар кишиларнинг сўзларига қараганда ўруслардан 150 кишига

якин одам талафотга учрабди. Аммо 30 та чўян тўп, бир неча пилта милтик ва бошка нарсалардан жуда кўп захира ўруслар кўлига ўтибди.

Сунбула ойининг ўрталарида Самарканд жинироли (Шахрисабз) шахрига кириб, шаҳар аъёну ашрофини жамъ этиб, Шахрисабз Бухоро аморатига таалукли эканини эълон қилиб аҳолини тинчитди, кейин Китобга келди. Шу ерда амир Музаффар Шахрисабзга юборган янги маъмур ва зобитлар билан мулокот қилиб, вилоятни Бухоро амирининг мутасаддиларига топшириб, Самаркандга қараб жўнади. Шу аснода у эшитдики, Шахрисабз волийси Бобобек парвоначи Хақимбий ўғли ва унинг ноиби Қаландар эшик оғосининг ўғли Жўрабек додхох Моғиён қасабазида 3 мингга якин лашкар тўплаб кутиб турибди ва агарда рус аскарлари Шахрисабзни бухороликларга бериб қайтсалар, бухороликларни Шахрисабздан хайдаб, яна вилоятни ўз қўлларига олармишлар. Шунинг учун жинирол Китобдан Фаробга келди. Шахрисабз волийсини сипохи ила топмасдан Фароб аҳолисига шундай эълон қилдиким, шу кундан бошлаб сизнинг қасабаларингиз Самарканд музофотининг хайъатига тегишлидир ва сизлар рус тобелигига қиргансизлар. Яна бир маъмурни бир фавж ила Моғиёнга юборди ва юқорида айтган мазмундаги хабарни у ернинг аҳолисига ҳам эълон қилди Шу ишлардан сунг Самарканд жинироли ўз аскарлари билан Самаркандга қайтиб кетди. Шахрисабз волийси Бобобек ўз акалари ва ноиби Жўрабек додхох ҳамда хизматкорлари билан анча муддат сарсонун саргардон бўлиб, Фаргона чегарисига яқинлашди. Буни Худоёрхонга маълум қилдилар. Жаноби Худоёрхон ўз амирлари билан машварат қилди. Хоннинг ақаси Султон Муродбек, умаро ва вузаронинг ақсарияти бирлашиб дедиларки: Агарда биз Шахрисабз волийсини Фаргона саройида қабул қилсак Бухоро амира Урусияни бизга қарши қайрайди ва ўруслар биздан волини (Бобобек)ни талаб қиладилар. Агар уни ўрусларга берсак, шарманда бўламиз, агар ўрусларнинг хоҳишини рад қилсак, бу билан аҳду паймонини бузиб, уларга баҳона ва сабаб топиб берган бўламиз. Бунинг чораси шуки, Шахрисабз волийсига сафар зарурияти ва лузимотини тахтлаб, аввал уни меҳмон қилиб, кейин Қошгарга жўнатсак. Бу савобли фикр қабул бўлди. Саройнинг бир ишончли мулозамини узру маъни ила зиёфат ва меҳмондорчиликка даъват қилиш учун Бобобек олдига юбордилар.

Мазкур маъмур Шахрисабз волийсининг олдига келиб аҳволни тушунтирди ва ҳамма нақдини бериб айтдики, «Фаргона хокими сиздан узр сўраб ўз мулкида бир неча кун меҳмон бўлишингизни хоҳлайди ва кейинроқ Қошгарга борсангиз, сизни чегарагача қузатиб қўймокни зиммамизга оламиз». Шахрисабз волийси (Бобобек) унга жавоб бердики: «Биз Қошгар сафарини хоҳламаганмиз. Биз Шахрисабздан бу томонга Бухоро амира зулмидан қочиб келдик. Бухоро амира бизнинг кўп улугларимизни ўлдирди. Бизнинг ўртамизда кўхна адоват бор. Биз Самарканд жиниролининг олдига бориб таслим бўлмадик, чунки у Бухоро амирининг ўнг қўлидур. Агарда унга таслим бўлганимизда эди, эҳтимол, жинирол амирдан пора олиб, ўзини Туркистон сипохсолари Кауфманга яхши кўрсатиш учун бизни Бухоро амирига топширган булур эрди. Агарда Фаргона хонининг (Худоёрхон) ўзи бизни авлодимиз ила Кауфман хузурига юборса

маъкул эрди. Самарканд жинироли ва бошқаларнинг воситасисиз ўзимиз Туркистон сипохсолари Кауфманга таслим бўламиз, Бизнинг максадимиз шу, чунки Русия давлати буюқдур ва уларнинг конун ва низомларида асирлар ва таслим булган кишиларни ўлдириш коидаси йўқдур. Буни биз кўп мўътабар кишилардан эшитганмиз.

Кўп жойларнинг ва вилоятларнинг ҳокимлари, масалан, тоторлар, черкаслар ва бошқа гайридинлар ўрусларга асир тушганда, уларни ўлдирмасдан тарбия қилганлар. Бинобарин, биз сафар саргардонлигидан кўра яхшиси, Тошқандга бориб, ўрусларга таслим бўламиз, агар хазрати Фаргона хони бизларни ўз элчиси билан Тошқандга жўнатса, ундан рози ва хушнуд бўлардик».

Мазкур маъмур бу сўзларни Шахрисабз волийсидан эшитиб, хон хазратлари олдига келиб, хаммасини арз қилди. Хон жаноблари волий илтимосини қабул айлаб, йўл эҳтиёжи ва харажатини хазинадан бериб юборди. Шахрисабз волииси Бобобек парвоначи Ҳакимбий ўглини баъзи шахсий мулозимлари ва ноиби Жўрабек додхох Каландар эшикоғоси ўгли билан бирга Хўқанддан яна бир элчи кўшиб, Тошқандга жунатдилар.

Уларнинг қолган қариндошларини, уруғларини Бобобек парвоначи илтимосига кўра Фарғонада қолдирдилар ва уларнинг мартаба ва мақомларига қараб, хазинадан маош муқаррар қилдилар.

Абдулмалик тўра гозий Самарканд жинироли билан Қаршида жанг қилиб талофотга дуч келгач, Оллох иродаси ила бир муддат Урганж ва Афғонистонда мусофират захматини чекди. У ёқлардан Фарғона мамлакатига келиб, бир неча кун Фарғона хонининг дарборида меҳмон бўлиб, ўз хоҳиши ила Қошқарга ўтиб кетди ва бир неча вақт шу ерда яшади. Кейин Бритониё Азимага кетди. Маккаи муқаррама зиератига борган мўътабар кишиларнинг айтишларича, фозил амирзода ҳозир Ҳиндистонда иззату иқром, офият ва саломат маснадида ўтурган эканлар. Ва бу жумлалар ҳам гароииб воқеаларнинг баёни эди ва биз уларни мухтасар ёздик.

Форс-тожик тилидан Шодмон ВОХИД таржимаси

Сайтга Абу Муслим тайёрлади

[1](#), [2](#) қисмлари